

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил 2 сон

5. SCQF Credit Points. Scottish Credit and Qualification Framework. p. 3. Retrieved 5 December 2018.
6. Richtlinien des Hochschulrates für die koordinierte Erneuerung der Lehre an den universitären Hochschulen der Schweiz im Rahmen des Bologna-Prozesses. Retrieved 12 November 2018.
7. ECTS and Course Load - Yükseköğretim Kurulu. www.yok.gov.tr. Archived from the original on 13 March 2018. Retrieved 4 November 2016.

XX-XXI АСРЛАРДА ЎЗБЕК АСАРЛАРИНИ ИНГЛИЗ ТИЛИГА ЎГИРИШ МУАММОЛАРИ

Кенджаева Гулрух Фатиллоевна

БухДУ, инглиз адабиёти ва стилистика кафедраси ўқитувчиси

Тел.: 97 306-57-53; e-mail: guli.kendjaeva@mail.ru

***Аннотация:** Мақолада бугунги кун ўзбек таржимашунослигида долзарб саналадиган бадиий асарлар таржимасига оид кузатишлар ўз аксини топган. Шунингдек, масалага тадрижий аспектда илмий муносабат билдирилган. Қатор ўзбек асарларининг таржимаси тўғрисида ўзбек олимларининг фикр-мулоҳазалари ёритилган ва тегишли хулосалар чиқарилган.*

***Калит сўзлар:** таржимашунослик, бевосита таржима, билвосита таржима, аслият.*

ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕВОДА УЗБЕКСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ В XX-XXI ВЕКАХ

Кенджаева Гулрух Фатиллоевна

Бухарский государственный университет, преподаватель кафедры английской литературы и стилистики

Тел. : 91 448-44-80; e-mail: feruzakhajieva@gmail.com

***Аннотация:** В статье отражены наблюдения по переводу узбекской художественной литературы, проблема которая считается актуальной на сегодняшний день. Также, выражен научный подход к проблеме, в хронологическом аспекте. Приведены мнения узбекских ученых о переводе ряда узбекских произведений и сделаны соответствующие выводы.*

***Ключевые слова:** переводоведение, прямой перевод, посреднический перевод, оригинал.*

PROBLEMS OF TRANSLATING OF UZBEK LITERARY WORKS IN THE XX-XXI CENTURIES

Kendjaeva Gulrukh Fatilloevna

Bukhara Sate University, Department of English Literature and Stylistics

Tel.: 97 306-57-53; e-mail: guli.kendjaeva@mail.ru

***Resume:** The article reflects observations on the translation of Uzbek fiction, a problem that is considered relevant today. Also, the scientific approach to the problem is expressed in a chronological aspect. The opinions of Uzbek scientists on the translation of a number of Uzbek works are given and the corresponding conclusions are drawn.*

***Key words:** translation studies, direct translation, indirect translation, original text.*

Ўзбек романчилик мактаби кўпгина бадий асарларининг яратилишига замин бўлиб, аксарият асарлар миллий танқидчилар ва хорижий олимлар томонидан ўрганилишини кузатиш мумкин. Бироқ бу романлар бошқа тилларга ўтирилганми? Қайси асар қандай халқаро, хорижий тилга ўтирилган? Агар ўтирилган бўлса, бевосита еки воситачи тил орқали ўтирилганми? Қандай таржимон ва муҳаррирлар бу асарларни ўтиришга муваффақ бўлган? Таржималар сифати ва савияси ўрганилганми? - деган саволлар бугунги кун адабиётшунос ва таржимашуносларнинг энг долзарб масаласи бўлиб келмоқда.

“Ўзбекистон заминидаги таржима мактаблари ҳақида гап кетганда, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ал-Фарғоний, Форобий, Маҳмуд Кошғарий, Замахшарий, Юсуф Хос Ҳожибларнинг таржималари, Алишер Навоийнинг таржимонлик фаолияти ва унинг асарларининг дунё тилларига таржимаси тарихи, Хоразм таржима мактаби вакиллари Муҳаммадризо Отаҳий, Комил Хоразмий, Тошкент таржима мактаби вакиллари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода ва бошқаларнинг таржимонлик фаолияти, Файбулла Саломов, Озод Шарофиддинов, Амир Файзуллоларнинг таржимашуносликка қўшган ҳиссаларини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Назарий таржимашунослик – Ўзбекистонда нисбатан янги соҳа. Таржимашунослик илмий асосда XX асрнинг ўттизинчи йилларидан шакллана бошлади. Талантли таржимон ва олим Санжар Сиддиқнинг “Адабий таржима санъати” (1936 й.) китоби Ўзбекистонда таржима назариясига бағишланган илк пухта илмий китобдир. Санжар Сиддиқ билан бирга ёнма-ён Сотти Хусайн, Маннон Роик, Мадамин Даврон, С.Паластров, М.Салье сингари амалиётчи таржимонлар таржимашунослик билан фаол шуғулланиб, нашр этилаётган таржима асарларнинг ютуқ ва камчиликларини таҳлилдан ўтказиб борганлар”.[9]

Ўзбек таржимашунослигида фундаментал тадқиқотлар олиб борган олимлар Файбулла Саломов ва Қудрат Мусаев, Эльвира Азнаурова ва б. бўлиб, олий ўқув юрларида асосан улар томонидан яратилган дарслик ва қўлланмаларга [1,2,3,5] таяниб машғулотлар ўтказилади. Қўлланмаларда таржима соҳасининг турли муаммолари ўрганилган бўлиб, уларда ўзбек адабиётининг инглиз тилига ўтирилиши масаласи умуман ёритилмаган. Бу масала таржимашуносликда жуда ҳам долзарб саналиб унга йирик олимлар турлича муносабат билдиришган. Айрим олимлар танқидий мулоҳазаларни баён қилишган бўлса, айримлари ижобий фикрларни илгари суришган. Буни биз қуйидагича шарҳлашга ҳаракат қилдик.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2007 йил 13-сонида эълон қилинган “Таржима миллатни жаҳонга танитади” номли давра суҳбатида (М.Саъдий ва А.Отабоев томонидан тайёрланган) ёзувчи Муҳаммад Али, Сувон Мели, Омон Мухтор, Носир Қамбаров, Аббос Ирисқулов, Баҳодир Эрматов, Зухриддин Исомиддинов иштирок этиб ушбу масалага танқидий ёндашиб, таҳлил қилишган.

Ўзбек романнависи, тарихий роман жанрида танилган, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини бош мавзу қилиб олган тетралогия муаллифи, Муҳаммад Али Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси фаолиятини таҳлил қилиб, уюшма аъзолари томонидан бажарилган ишларни сарҳисоби қилиб, таржимонлик фаолиятини қуйидагича шарҳлайди:

“Таржима жараёни, таъбир жоиз бўлса, икки қанотга эга. Биринчиси, жаҳон тилларидан ўзбек тилига таржима қилиш. Иккинчиси, ўзбек тилидан жаҳон тилларига

таржималарни рўёбга чиқаришдир. “Биринчи қанот” бўйича ўтган давр мобайнида ўқувчиларга жаҳон адабиётидан турли намуналар тақдим этилиб келинаётганини таъкидлаш жоиз. Бу соҳада “Жаҳон адабиёти” журнали фаолияти диққатга сазовордир.

Ўзбек адабиётидан жаҳон тилларига қилинаётган таржималар ҳақида гапирганда, афсуски, илиқ гаплар айтиш қийин. Бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган, таржималар ҳам тасодифан рўй беради. Бундай аҳволни ўнглашимиз лозим”. [4,4]

Кўриниб турибдики, романнавис Муҳаммад Али томонидан ўзбек асарларини бошқа тилларга таржима қилиш ишлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ҳам талаб даражасида қониқарли эмаслигини таъкидланган.

Давра суҳбатида бугунги кун таржимачилик санъати тўғрисида объектив муносабат билдирган адиб Омон Мухтор фикрлари ҳам кучли қизиқиш уйғотади. Омон Мухторнинг фикрича, бошқа чет (араб, форс, инглиз, рус) тилларда ёзилган асарларини таржима қилиш биричи ўринда бўлиб, Чўлпон, Усмон Носир, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мирзакалон Исмоилий, Миртемир, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари адиблар шунингдек, Қодир Мирмуҳамедов, Миад Ҳакимов, Мирзиёд Мирзоидов, Ҳасан Тўрабеков ва бошқа ўнлаб таржимонлар жаҳон адабиётининг кўркем намуналарини ўзбек тилига таржима қилганлар. “Бу жараён ҳозир ҳам гуркираб давом этаётир. Бунга фақат суюниш керак. Ҳеч ким эътироз билдирмайди. Аммо ўзбек адабиётини яратилган асарларни ўзбек тилидан турли тилларга таржима қилиш иккинчи ўринда тургандек таассурот қолдириши тайин.

Тўғри, ўзбек ёзувчиларининг кўп асарлари турли тилларда нашр этилган. Комрон Ҳакимов, Алишер Отақўзиев, Ҳамид Исмоил, Холида Анорбоева, Раъно Азимова ҳатто баъзи асарларни бевосита ўзбек тилидан таржима қилганлар. Шунга қарамай, бу ишда изчиллик, давомдорлик йўқ. Бизнинг адабиётимиз буюк адабиёт, мамлакатимиз мустақилликка эришиб, ҳар хил соҳалар (спорт, тасвирий санъат, мусиқа) жаҳонга чиқаётган бир паллада, адабиётимиз ҳали ўзининг бўй-бастини кўрсата олгани йўқ” [4, 4] – дея ўзбек тилидан қилинган таржималарининг талаб даражасида эмас эканлигини танқид остига олади. Шунингдек, адиб “Таржима қилинмаган йирик насрий асарлар баробарида, таржима этилганларидан ҳам қаноат ҳосил қилолмайсиз. Ана, биз юксак кадрлаган Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романи. Русча таржимасини аслига қиёсласангиз, хафа бўлиб кетасиз” [4, 4] – деб куюнади. Адиб нафақат насрни балки назмни ҳам таржима қилиниш савиясининг талаб даражасида эмаслиги тўғрисида ҳам танқидий фикр билдиради.

Бу ўринда тилшунос олим Аббос Ирисқуловнинг фикрлари юқоридаги адибларнинг фикри билан ҳамоҳанглик касб этишини кузатиш мумкин. Аббос Ирисқулов Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёнида ўз ўрнини топиши учун нафақат хорижий олим ва ёзувчиларнинг ишларини она тилига, балки, ўзбек тилидан чет тилларига ўгириш муаммолари ўз ечимини кутмоқда дея эътироф этади. “Таржима, таржима муаммолари тўғрисида гапирганимизда юртимиз олимлари, ёзувчи, шоирлари томонидан ҳозиргача яратилган ва бугун — истиқлол даврида яратилаётган асарлар дунё ҳамжамияти эътиборига қай даражада етказилаётибди, деган масала тўғрисида ҳам ўйлаб кўришимиз керак. (...) Лекин, афсуски, улар хорижий тилларга ағдарилиб, ўзимизда чоп этилган ўзбек турмуш тарзини, бой тарихимиз ва маданиятимизни, урф-одатларимизни акс эттирган китобларни ўзлари билан юртларига олиб кета олмаётибди.

Чунки бундай китобларни етарли даражада таржима қилмаяпмиз. Бу асарлар юртимизни, ундаги содир бўлаётган янгиланиш, ўзгаришларни тарғиб қилишнинг йўлларида биридир. Бу масала ўта жиддий бўлиб, уни тезда амалга ошириш йўллари қидириш лозим”. [4, 4.]

Худди шундай фикрни ўзбек олими филология фанлари номзоди, таржимон Носир Қамбаров ҳам таъкидлайди. Унингча, нафақат амалий таржима, балки таржима назарияси ҳам етарли даражада шаклланган эмас. Соҳада айрим кўзга кўринадиган ишлар (Жаҳон тиллари университетининг таржимонлик факультети таржима назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчилари томонидан “Синхрон таржима”, “Таржима тарихи”, “Инглиз тили” дарсликлари) амалга оширилганлигини таъкидлар экан, олим “Бироқ оғзаки ва ёзма таржимадан, чет тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан чет тилига таржима, матбуот таржимаси бўйича ҳали қўлланмалар ёзилмаган, – дея қилиниши керак бўлган ишларни ҳам санаб ўтади. “Ўзбекистонда чет тиллардан мутахассислик сифатида ўргатиладиган тилларни инобатга олсак, шу пайтгача инглиз, француз, немис ва испан тилларидан ўзбек тилига таржиманинг лингвистик асослари ишлаб чиқилмаган. Тўғри, бу соҳада маълум ютуқларимиз бор, лекин бу чет тилларидан ўзбек тилига таржима қилиш асосларини яратиш учун етарли эмас. Кўплаб назарий фикрлар ҳали умумлаштирилмаган. Бевосита чет тилларидан ўзбек тилига таржима қилинган асарлар таржима нуқтаи назаридан таҳлил этилмаган. Мавжуд таҳлиллар диссертация ёқланган ташкилотлардан нарига ўтмайди.

Амалга оширилган таржима асарлар таҳлил қилинмаётганлиги боис, нашр этилган аксарият луғатларда сўз маънолари, уларнинг маъно нозикликлари эътибордан четда қолиб кетаётир. Бадиий таржима, ижтимоий-сиёсий матнлар ва илмий-техник таржималарда ҳам ҳозир айтилган муаммолар мавжуд”. [4, 4.]

Кўриниб турибдики, таржимашунослик соҳаси ўз изланиш доирасининг кенгайишини, ҳам амалий ҳам назарий жиҳатдан такомилланиши кераклиги ижодкор ва олимлар томонидан таъкидланмоқда. Танқидий фикрлар билан бир қаторда ижобий фикрлар ҳам мавжуд. Буни бугунги кун мутахассислари ўз мақола ва чиқишларида акс эттирмоқдалар. Булар сирасига филология фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Нуқосимович Холбеков, филология фанлари доктори Мирзаева Зулхумор, тадқиқотчи Бегойим Холбекова, Номуродова Сабоҳат киради.

Тадқиқотчи Бегойим Холбекова “Ўзбек тилидан инглиз тилига таржималар тарихидан” деб номланган мақоласида асосан ўзбек мумтоз адабиёти дурдоналарининг таржимаси тадрижи берилган бўлиб, аниқ маълумотларни ўз ичига қамраб олган. Муаллиф фикрича, “Ўзбек адабиёти намуналарининг инглиз тилига қилинган илк таржималари, табиийки, Алишер Навоий номи билан боғлиқ. Буюк мутафаккирнинг “Лисонут-тайр” достони Е.Фиттсжералд томонидан инглизчага таржима қилиниб, 1899-йилда АҚШнинг Бостон шаҳрида нашр этилган эди. Худди шу асарнинг насрий баёни канадалиқ таржимон Гарри Дик томонидан ўзбек таржимашунос олими Н.Қамбаров ҳамкорлигида инглиз тилига ўтирилди. “Муҳокамат ул-луғатайн” рисоласи Роберт Деверукс таржимасида 1966-йилда АҚШда китоб ҳолида босилиб чиққан бўлса, буюк шоирнинг “Саббаи сайёр” достони америкалик профессор В.Фирман томонидан инглизчага таржима қилинди. 1988-йилда Ўзбекистон “Ватан” жамияти Алишер Навоий ҳикматларини Маргарет Беттлиннинг инглизча таржимасида чоп этган”. [6]

Соҳибқирон Амир Темур қаламига мансуб жанр жиҳатидан ҳужжатли, тарихий, бадий, автобиографик асар деб баҳоланиши мумкин бўлган “Темур тузуклари” ҳам инглиз тилига қилинган дастлабки таржималардан ҳисобланади. Адабиётимизни бойитган, юртимизни дунёга танитган мазкур асар XVIII асрдаёқ инглиз олимларининг диққатини ўзига тортган эди. Инглиз шарқшунос олими Майор Деви Ҳиндистонда хизматда бўлган вақтида “Темур тузуклари”нинг Абу Толиб ал-Хусайний томонидан форсчага қилинган таржимаси билан танишади ва Буюк Британияга қайтгач, асарни инглиз тилига ўгириб, уни Жозеф Уайт деган олим тайёрлаган форсча матни билан бир муқовада 1783-йилда Оксфордда нашр эттиради. Ушбу нашр “Темур тузуклари”нинг дунё бўйлаб тарқалишида катта аҳамиятга эга бўлган.[6]

Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарини инглиз шарқшунос олими Эдуард Дени Росс 1898-йилда инглиз тилига таржима қилди. Ней Элиас эса таржимани таҳрир қилиб, унга изоҳлар ёзди. 1996-йилда эса олим, профессор Уиллер Такстон мазкур асарни инглиз тилига қайта тўлиқ таржима қилди.[6]

Ўзбек адабиётини дунёга кенг ёйилишида Заҳириддин Муҳаммад Бобур яратган “Бобурнома” ҳам муҳим аҳмият касб этади. Вашингтон университети магистранти Дилбархон Аҳмедова “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2008-йил август ойи сонида эълон қилинган “Бобурнома” инглиз тилида” номли фактларга бой мақоласида ушбу нодир асарнинг инглиз тилига таржималари ҳақида батафсил маълумот беради. Ёш тадқиқотчининг ёзишича, “Бобурнома”нинг биринчи марта инглиз тилига таржима қилиниб нашр этилиши 1826-йилда юз берган, уни инглиз шарқшунослари Жон Лейден билан Уилям Эрскинлар амалга оширишган. Асарнинг иккинчи таржимаси инглиз олимаси Сузанна Бевериж хоним томонидан 1922-йилда қилинган. “Бобурнома”нинг учинчи марта таржима қилиниши 1993-йилда рўй берди. АҚШнинг Ҳарвард университетида йилига бир марта чиқадиган “Туркий тадқиқотлар журналы”нинг 18-сонида У.Такстон томонидан амалга оширилган инглизча таржимаси чоп қилинди.[6] Мазкур таржима асарнинг энг маъқул таржимаси ҳисобланади.

1958-йилда Москвада инглиз тилида “Uzbek Poetry” (“Ўзбек шеърляти”) номли кўп асрли ўзбек шеърлятининг мухтасар антологияси нашр этилди. Назаримизда, бу нашр антология сифатида инглизчага таржима йўсинидаги илк қадамдир. Китобга ўн тўртта ўзбек шоири (3 та шоир мумтоз адабиёт, 11 та шоир замонавий шеърлят вакиллари)нинг ижодидан намуналар киритилган эди. Китоб тузувчилари инглиз китобхонини замонавий ўзбек шеърлятининг атоқли намояндалари ижоди билан кенгроқ таништиришни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишган. Таржима учун, асосан, шоирларимизнинг маълум ва машҳур шеърлари танлаб олинган. Шеърларни В.Иевлева, Д.Ротенберг, О.Моисеенко сингари таржимонлар инглиз тилига ўнгирганлар. Ушбу антология инглиз ўқувчисига ўзбек шеърлятининг олис йўллари ҳақида яхшигина тасаввур бериши билан қадрлидир.[6]

Ўзбек адабиёти намуналарининг инглиз тилига таржима қилинишига назар ташлаш мобайнида шу нарсага ишонч ҳосил қилиш мумкинки, ҳам мумтоз, ҳам замонавий маънода, ўзбек адабиёти сермазмун, залворли асарларга бойдир. Уни кенг тарғиб этиш, нафақат инглиз, балки жаҳоннинг бошқа тилларига ҳам таржима қилиш ҳамиша долзарб муаммолардан бўлиб қолаверади.

Профессор Муҳаммаджон Холбеков “Ўзбек адабиёти намуналари инглиз тилида” деб номланган мақолада таржимашунослик соҳасида бажарилган айрим ишлар тўғрисида ижобий фикр билдириб, Самарқанд давлат чет тиллар институтида олиб борилаётган таржимонлик фаолиятини ижобий баҳолайди.

“Бир пайтлар Пошали Усмон Гётенинг “Фауст” асарини немисчадан ўзбек тилига таржима қилгани адабиётда катта воқеа бўлганди. Эндиликда кўплаб хорижий адабиётлар Самарқанд давлат чет тиллар институтида шаклланган таржима мактабида беш тилга таржима қилинмоқда. Ўзбек адиблари асарлари ҳам рус, инглиз, хитой, корейс ва бошқа тилларга ўтирилмоқда.(...) Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, доцент Илҳом Тўхтасиновнинг таржимонлик фаолияти ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Ўтган йиллар давомида И. Тўхтасинов ўзбек адабиёти намуналарини инглиз тилига таржима қилиш ишларига астойдил киришди. Кейинги икки йил ичида Омон Мўминов билан Ойбекнинг “Навоий” романи ва И. Йўлдошев ҳамкорлигида Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” (A Naughty Boy) қиссасини таржима қилиб, нашр эттирди. Албатта, мумтоз адабиётимизнинг бундай йирик ва жиддий намуналари таржимаси, таҳрири ва унинг чоп этилишини ташкил этиш энгил бўлган эмас. Аввало, уларни нашрга тайёрлашда хорижлик мутахассислар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Жумладан, “Навоий” романининг инглизча матнига америкалик Кристин Смарт муҳаррирлик қилган. “Навоий” романи таржимаси ҳақида матбуотда илиқ гаплар айтилди, муайян баҳслар бўлди.(...) ҳозирда И.Тўхтасинов раҳбарлигидаги ижодий гуруҳ Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини нашрга топширганлигидан, яна ўндан зиёд замонавий ва мумтоз адабиётимиз намуналари чет тилда, хусусан, инглиз тилида нашрга тайёрлигидан, уларнинг сигнал нусхаларини кўриб, ишонч ҳосил қилдик. Шунингдек, кўпдан-кўп чет эл адабиёти дурдоналарини ҳам ўзбек тилига таржима қилиш жараёни тугалланиш арафасида” [7]

Муҳаммаджон Холбековнинг Самарқанд давлат чет тиллар институтида амалга оширилган эътиборли ишлар тўғрисидаги ижобий фикрларидан сўнг Ўзбекистонда таржимонлик санъати секин бўлсада, илгариламоқда, деган хулосага келиш мумкин. Буюк романнавис Ойбекнинг “Навоий” романи 408 бетлик ҳажмда Тошкент: Янги аср авлоди нашриётида 2016 йилда чоп этилиб, бугунги кунда бу асарнинг инглича вариантини нафақат полиграфик шаклда, шунингдек электрон кўринишда Kitobxon bilimlar hazinaboni номли дастурида (приложение) ўқиш имконияти мавжуд. Бу инглизча китобхон учун қулайлик касб этади, шунингдек, таржима қилинган асарнинг ёш авлод учун замонавий электрон кўринишда бўлганлиги сабабли қизиқиш уйғотади. Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссасининг, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг инглиз тилига ўтирилиши ҳам диққатга сазовор иш бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Худди шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, “Ўткан кунлар” романи таржимаси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида 2012-2014 йилларда “Ўзбек адабиёти антологиясини инглиз тилига таржима қилиш ва адабиётлараро мулоқот” мавзuidaги илмий-амалий лойиҳа доирасида оширилган. [9] Мазкур лойиҳа доирасида ўзбек адабиётининг сара намуналаридан 18 таси ўзбек тилидан бевосита инглиз тилига таржима қилинган. Улар орасида Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асари ҳам бўлган. Асарларни танлашда аввало, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда таржимон

олимлардан Иброҳим Ғафуров, Омон Мўминов ва Носир Қамбаровларнинг тавсияларига таянилган. Таржима жараёнида асарни аслият шаклида сақлашга, ўзбек менталитетига хос миллий-маданий урф-одат, тарихий, анъана ҳамда маросимларда ишлатиладиган сўз ва ибораларни сақлаб қолишга ҳаракат қилинган.

Асарни таржима қилиш учун кун ва ойлар керак бўлган, ўзига яраша қийинчиликлар таржима жараёнида келиб чиққан. Мутасадди шахслардан амалий ёрдамида асарнинг моҳияти, унинг бугунги кундаги аҳамияти ва долзарблиги ҳақида айтишга ҳаракат қилдим. Асар таржимаси борасида адабиёт ва тилшунослик соҳасига қизиққан бир қанча хорижлик мутахассислар ҳам муҳаррирлик қилишга жалб қилинган. Самарқанд давлат чет тиллар институтида 2016-2017 ўқув йили учун АҚШ элчихонасининг кўнгилли инглиз тили ўқитувчиси Эллиз Бриттэн асарни таҳрир қилишда ўзининг ёрдамини аямаган.

Ўзбек адабиётининг илк романи “Ўткан кунлар” таржимасига нафақат ўзбек таржимонлари, балки хорижий мутахассислар ҳам иштиёқ билан қўл урмоқдалар.

Ислом Каримов Фонди атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий қаламига мансуб “Ўткан кунлар” романини инглиз тилига таржима қилиш ва нашр этиш лойиҳасини амалга оширган. Ўзбек адиби романи ўттиздан зиёд бадиий асарни таржима қилган британиялик адабиётшунос ва мутаржим Кэррол Эрмакова томонидан инглиз тилига ўгирилган. Таржимага Жули Уикенден муҳаррирлик қилган. Ушбу совғабоп нашрни теран рамзий маънога эга суратлари билан беаган рассом Бобур Исмоилов ўша давр нафасини етказиб беришга ҳаракат қилган. Каримов Фонди кўмаги билан ушбу китоб Nouveau Monde Editions номдор француз нашриётида 2019 йилнинг бошида нашрдан чиққан.

“Ўткан кунлар” романининг кейинги таржимаси Марк Рисс томонидан ҳам таржима қилинганлигини интернет сайтларидан [10] ўқиш ва таржимон билан суҳбатни томоша қилиш мумкин. Марк Рисс — Вашингтон университетиде Марказий Осиёдаги туркий тиллар, хусусан ўзбек тили, жадидчилик ва ислом фикри бўйича таълим олган. У 23 йиллик умрини Марказий Осиёда ўтказган. Таржимон Термиз, Самарқанд ва Қўқон шаҳарларида болаларга инглиз тилидан дарс берган ва ўқитувчилар малакасини ошириш дастурларида қатнашган. Айни пайтда АҚШнинг Теннеси штати Нашвил шаҳрида истиқомат қилади. Таржимон “Ўткан кунлар” романинг бадиий ва лисоний аҳамиятини таъкидлаган ҳолда, таржима жараёнининг мураккаб, нозик жиҳатларини 500дан ортиқ изоҳларда кўрсатганини айтган:

“Айтишим мумкинки, “Ўткан кунлар” жуда бой ва тугал роман бўлиб, унда Ғарб ўқувчиси учун янгилик бўлган турфа хил анъаналар тасвири, терминлар ва тарихий даврга хос ҳикоялар жуда кўп. Бу эса айни пайтда юз бераётган жараён — Ўзбекистонни дунёга яқиндан танитиш борасида ҳам катта аҳамиятга эга. Таржимон кимнингдир асарини олади-да, уни бошқа халқлар ўқувчилари тушунадиган тилда ифодалайди. Таржима бу қандайдир фан соҳаси эмас, балки муаллифнинг фикрини етказиб бериш санъатидир. Мен ўз ўқувчиларимиз тушунишлари осонроқ бўлиши учун романдаги муҳим ҳолатлар бўйича 500 га яқин изоҳлар киритдим. Кундошлик, хонлик ҳокимияти тартиботи, Ислом динига алоқадор баъзи ҳолатларни тушунтириб бериш қийин бўлди. Энг катта ютуғим шуки, Қўқон ва Тошкентда бир неча йил умргузаронлик қилганман. Ана шундай анъаналар ва муайян атамаларни тушунтиришда қийинчиликка дуч келган

пайтларим жуда кўп ўзбек дўстларимдан маслаҳат сўрадим ва улар менга ёрдам беришди. Аммо, шуни қайд этишни истардимки, романдаги баъзи ҳолатларни тўлиқ англаб етиш ҳатто ўзбеклар учун ҳам мушкул, унда кўтарилган масалалар юзасидан ҳамон баҳслар бўлади”. [12]

Марк Рисс биринчи таржимонлар қаторида Абдулла Қодирийнинг машҳур “Ўткан кунлар” романини инглиз тилига таржима қилиб, инглиз китобсевар мухлисларга тақдим этди.

2019 йилнинг бошида Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар. Бобур” номли ўзбек романи Самарқанд давлат чет тиллар институти профессор-ўқитувчилари И.М.Тўхтасинов, У.Р.Йўлдошев ва А.А.Ҳамидов томонидан таржима қилинди. Асар Самарқанд нашриётида 444 бетдан иборат ҳажмда нашрдан чиқди. Асар таржимасини биз ишимизнинг учинчи бобида таҳлилга тортиб, ундаги айрим жиҳатларни таржимонлик нуқтаи назарида ёритишга уринганмиз. Айтиш жоизки, янги таржима қилинган асарлар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Қўриниб турибдики, XX ва XXI асрлар давомида таржима санъати янгича кўринишда ривожланган бўлсада, ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилинган асарлар икки хил тарзда амалга оширилган. Воситачи тил, аксарият ҳолларда рус тили ёрдамида ва бевосита ўтирилган. Бу таржималарни тадқиқ қилиш бугунги кун таржимашунослари учун долзарб масала ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати

1. Азнаурова Э.С., Абдурахманова Х.И. Теория и практика перевода. -Т.: Ўқитувчи, 1989.
2. Саломов Г. Таржима назариясига кириш. - Т., 1990.
3. Саломов Г. Таржима назарияси асослари. - Т., 1990.
4. Саъдий М., Отабоев А. тайёрлаган давра суҳбати. Таржима миллатни жаҳонга танитади. //“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2007 йил 13-сони. 4 б.
5. Мусаев К. Таржима назарияси. - Т., 2003.
6. Холбекова Бегойим Ўзбек тилидан инглиз тилига таржималар тарихидан // “Шарқ юлдузи” журналининг 2010 йил 4-сони 68 бет.
7. Холбеков Мухаммаджон Ўзбек адабиёти намуналари инглиз тилида <https://saviya.uz/.../uzbek-adabiyoti-namunalari-ingliz-tilida/> сайтидан.
8. Khajieva F. M. “Decoding of stylistic devices in Russian and English translations of the Uzbek novel “Days Gone By” by Abdulla Qadiri (Stylistic correspondences and transformations). // Theoretical & Applied Science, 2019. 72(04) P. 541-545. https://www.researchgate.net/publication/332882929DECODING_OF_STYLISTIC_DEVICES_IN_RUSSIAN_AND_ENGLISH_TRANSLATIONS_OF_THE_UZBEK_NOVEL_DAYS_GONE_BY_BY_ABDULLA_QADIRI_STYLISTIC_CORRESPONDENCES_AND_TRANSFORMATIONS
9. <http://zarnews.uz/post/badiiy-tarjimama-naviyat-kaliti-hamkorlikvositasi>
10. <https://www.gazeta.uz/uz/2018/09/20/otkan-kunlar/> «Ўткан кунлар”ни инглиз тилига таржима қилган Марк Рисс билан суҳбат . «Ўткан кунлар”нинг инглиз тилидаги таржимаси 2019 йил 11 апрель куни — Қодирий таваллудининг 125 йиллигига бағишлаб чоп этилади. 20 сентябрь 2018 даги мақола

11. https://m.facebook.com/story.php?story_fbid=1988073448117177&id=1522010821390111

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети «Tarjima nazariyasi va amaliyoti fakulteti»нинг Facebookдаги расмий сайти

12. <https://www.gazeta.uz/uz/2018/09/20/otkan-kunlar/>

ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ОЙКОНИМЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ОЙКОНИМИК ИНДИКАТОРЛАРНИНГ ЎРНИ

Курбанов Мухтар Даулетбаевич

Нукус давлат педагогика институти

филология фанлари номзоди

Аннотация: Мақолада қорақалпоқ тилидаги ойконимлар таркибида фаол қўлланиладиган ва географик объект ҳақида маълумот берадиган ойконимик индикаторларни ўрганишнинг илмий аҳамияти очиқ берилган. Уларнинг тарқалиш ареаллари, маҳаллий номлар ҳосил қилишдаги ўрни таҳлил қилинган. Қорақалпоқ тилидаги ойконимик индикаторлар маъно ва қўлланилиши жиҳатдан бошқа туркий тиллардаги вариантлари билан қийёсланган.

Калит сўзлар: ономастика, топонимика, ойконим, ойконимик индикатор, географик номлар, этимология.

РОЛЬ ОЙКОНИМИЧЕСКИХ ИНДИКАТОРОВ В ФОРМИРОВАНИИ ОЙКОНИМОВ В КАРАКАЛПАКСКОМ ЯЗЫКЕ

Курбанов Мухтар Даулетбаевич

Нукуский государственный педагогический институт

Кандидат филологических наук

Аннотация: В статье раскрывается научная значимость изучения ойкономических индикаторы, которые активно используются в каракалпакском языке ойконим и дают информацию о географическом объекте. Проанализированы ареалы их распространения, их роль в образовании местных названий. Ойкономические индикаторы каракалпакского языка сравниваются с их вариантами в других тюркских языках по значению и применению.

Ключевые слова: ономастика, топонимия, ойконим, ойкономический показатель, географические названия, этимология.

THE ROLE OF OIKONYMIC INDICATORS IN THE FORMATION OF OIKONYMS IN THE KARAKALPAK LANGUAGE

Kurbanov Mukhtar Dauletbaevich

Nukus State Pedagogical Institute

PhD in Philology

Annotation: The article reveals the scientific significance of the study of oikonomic indicators, which are actively used in the Karakalpak language oikonyms and provide information about a geographical object. The areas of their distribution, their role in the formation of local names are analyzed. Oikonomic indicators of the Karakalpak language are compared with their variants in other Turkic languages in terms of meaning and application.

Aminova A O	
40 “Hayot – buyuk qadriyat sifatida” Komilova G.R	208
41 Жорж Р.Р. мартиннинг “a game of thrones” (Тахтлар ўйини) ва “a clash of kings” (Қироллар тўқнашуви) асарларида архаизмлар Насриддинов Д. А	213
42 Semantic characteristics of terminological words in the language for special purposes Zakirova H A	217
43 Ingliz va O`zbek tillarida vaqt noaniqligini ifodalovchi so`z turkumlari Mehmonova Y	220
44 Olamning lisoniy manzarasi ingliz, o`zbek tillari frazemalari ifodasida Tursunova N F	224
45 Ulug` mutafakkirlar va avliyola beshigini olamga tanitgan mutafakkir Qo`chqorova Sh R	228
46 Using games and innovative technologies in the english language classroom Vakhidova F S	232
47 “Тўрт улус тарихи” да тарихий ривоятлар таҳлили Абдуллаева М.Д	238
48 Ўшатиш конструкцияли иборалар хусусида Абдуллаев А Х, Йўлдошева Д.А	244
49 Сўзларни туркумлашда морфемаларнинг ўрни Исақов З С	248
50 Функционально-семантические типы оптативных предложений в русском и Узбекском языках Камалов У А	256
51 Credit transfer system is the basis for training competitive specialists in Uzbekistan Mirzayev M Kurbonov N, Karimov O	261
52 XX-XXI асрларда Ўзбек асарларини инглиз тилига ўгириш муаммолари Кенджаева Г.Ф	266
53 Қорақалпоқ тилида ойконимларнинг шаклланишида ойконимик индикаторларнинг ўрни Қурбанов М Д	274
54 Маданиятлараро мулоқот ва таржима Убайдуллаев Ш.Н, Раҳманкулова Д, М	279
55 Нашрий нусхалар қиёси Жўраева Ҳ. Б	285
56 Аллюзия как элемент интертекстуальности в произведении рика риордана “Percy Jackson and the lightning thief” Мирзаева А Ш	289
57 Агиографик асарлар тадқиқига аксиологик ёндашув Ширинова Р.Х, Тўхтасинова Н Б	300
58 Прагмалингвистические особенности комплимента Ҳамроева Н Н	307